



БАНК КАФОЛАТИНИ БЕРИШ АМАЛИЁТИ

Элбоев Бобур Батирович –
Тошкент молия институти,
мустақил изланувчи, катта ўқитувчи

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a25](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a25)

Аннотация. Ушбу мақолада банк кафолати бериш тартиби, уни амалга ошириш механизми, банк кафолатининг айрим турларининг ўзига хос хусусиятлари, уни банк операциялари таркибидаги ўзига хослиги, банк кафолати бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, принципал, кафил-банк, бенефициар ўртасидаги муносабатларнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратилган. Банк кафолатининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган ва илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: банк, кафолат, банк кафолати, принципал, бенефициар, контр-кафолат, молиявий мажбурият, ҳисоб-китоблар.

ПОРЯДОК БАНКОВСКОЙ ГАРАНТИИ

Элбоев Бобур Батирович -
Ташкентский финансовый институт,
независимый исследователь, старший преподаватель

Аннотация. В данной статье уделено внимание порядку выдачи банковской гарантии, механизму ее реализации, специфическим характеристикам некоторых видов банковской гарантии, ее особенностям в составе банковских операций, осуществлении расчетов по банку, гарантии, некоторые аспекты отношений между принципалом, банком-гарантом и бенефициаром. Анализируются специфические аспекты банковской гарантии и делаются научные выводы.

Ключевые слова: банк, гарантия, банковская гарантия, принципал, бенефициар, контргарантия, финансовое обязательство, счета.

BANK GUARANTEE PROCEDURE

Elboev Bobur Batyrovich -
Tashkent Financial Institute,
independent researcher, senior teacher

Annotation: The article studies some aspects of the procedure of bank guarantees, the mechanism of its implementation, the characteristics of some types of bank guarantees, its specific features in the structure of banking services, procedure of accounting of bank guarantees, and relationships among principal, bank-guarantor, and beneficiary. The specific aspects of bank guarantees were analyzed and scientific conclusions were formed.

Key words: bank, guarantee, bank guarantee, principal, beneficiary, counter-guarantee, financial liability, transactions.

Кириш. Банк кафолати Ўзбекистон банк амалиётида нисбатан янги банк маҳсулоти ҳисобланади, ҳозирги кунда кўпчилик тижорат банклари томонидан таклиф қилиб келинаётган бўлса-да мижозлар томонидан кенг фойдаланмаётганлигини кўриш мумкин. Бироқ, ушбу иқтисодий ва ҳуқуқий воситага эҳтиёж объектив равишда мавжуд бўлиб, у Ўзбекистонда аста-секин иқтисодий ўсиш билан боғлиқ бўлади.

Банк кафолатини иқтисодий ва ҳуқуқий восита деб айтиш бежиз эмас, чунки бу орқали иқтисодий муносабатлар шартномавий муносабатлар орқали мустақамланади.

Банк кафолати принципал томонидан бенефициар олдидаги мажбуриятини (асосий мажбурият) лозим даражада бажаришини таъминлайди. Банк кафолатидан молиявий восита сифатида фойдаланиш тадбиркорлар бизнес-лойиҳасини амалга ошириш учун кредитга муҳтож бўлмаган, лекин муаммо юзага келган тақ-

дирда, банк қарздорнинг мажбуриятларини тўлаш учун маблағ билан таъминлашига ишончи керак бўлган ҳолларда долзарбдир. Шу билан бирга, банк кафолатининг аҳамияти кафилнинг тўлов мажбуриятининг принципал ва бенефициар ўртасидаги асосий мажбуриятдан мустақиллигидадир.

Мажбуриятларнинг бажарилиши борасида иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг, жумладан, банк кафолатини тадқиқ этиш соҳасида доимий ривожланиб бораётганига қарамай, хусусан, ҳозирги кунда банк кафолатини бериш, у бўйича банк ва мижоз ўртасида юзага келаётган кўплаб муаммоли масалалар юзага келмоқда. Амалда, бу банкларни кафолатлар беришда эҳтиёткор бўлишга олиб келмоқда.

Банк кафолатининг хусусиятлари, шунингдек, унга кўра талабларни қондириш тартиби уни кредитор учун мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг энг ишончли ва

жозибатор усулларида бирига айлантиради. Шу билан бирга, кафилнинг манфаатлари одатда ҳисобга олинмайди ва банкларнинг кафолатлар беришдаги ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатлари батафсил кўриб чиқилмайди. Ҳар бир хўжалик операциясининг ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларнинг бирлиги бўлганлиги сабабли, банк кафолатини ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ўрганиш муҳимдир.

Адабиётлар шарҳи. Банк кафолати ўз иқтисодий моҳиятига кўра банк кредит операциялари синфига мансуб, кредит рискинни ўтказиш воситаси ҳисобланади. Кредит бериш ва банк кафолати ўртасидаги асосий фарқ, бу банк маҳсулотининг турли иқтисодий ва ҳуқуқий табиатини белгилаб беради, бу банк томонидан мижозга пул бериш тартибидир. Тўғридан-тўғри кредитлашдан фарқли ўлароқ, банк кафолати кафолатли кредит деб аташ мумкин, унинг моҳияти маълум шартлар (бенефициарнинг даъволари) юзага келганда банкнинг принципалга кредит бериш “ваъдаси” дир.

Банк кафолати мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг бир усули бўлиб, бунда кафил бенефициарнинг кредит таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Банк кафолати ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра кафил банкнинг кредит операцияси ва кредит рискинни ўтказиш усулларида бири (Соболева, 2005) эканлиги қайд этади. Банк кафолатини беришни кредит операцияси деб таснифлаш банкнинг ушбу шаклда бенефициарнинг кредит рискинни ўз зиммасига олиши билан асосланади.

Банк кафолати кредит муносабатлари тизимидаги мураккаб кўп тоифали восита бўлиб, турли вазиятларда тўлов воситаси, кредитлаш усули бўлиб, ўзининг асосий мақсадини сақлаб қолади: кафил томонидан бенефициарнинг мажбуриятларини ўз зиммасига олиш орқали унинг рискинни камайтиради (Палин, 2012). Банк кафолати мураккаблиги унинг қайси операцияда қўлланилаётгани, принципал ва бенефициарнинг фаолиятига, уларнинг қайси ҳудудда фаолият олиб бораётганига боғлиқ.

Банк кафолатлари кредиторлар хавфсизлигининг юқори даражасини яратади ва халқаро бозордаги муносабатларни барқарорлаштиришга сезиларли таъсир кўрсатади (Кнезевий & Лукий, 2016). Ана шундай хусусиятларига кўра банк кафолати халқаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга сезиларли таъсир кўрсатувчи восита сифатида юзага келади.

Бизнесда банк кафолати савдо шериклари ўртасида шартнома мажбуриятларини бажариш қобилияти нуқтаи назаридан ноаниқлик юзага келган ҳолларда қўлланилади. Улар, шунингдек, савдо ҳамкорлари узоқ муддатли муносабатлар-

га эга бўлган ва бир-бирларини жуда яхши билладиган жойларда, камроқ даражада кредитларга мурожаат қилишлари учун ишлатилади (Драгос, 2015). Бундай ҳолда, банк кафолат хатлари транзакциянинг ҳар бир босқичи учун банклар томонидан мижозларга тақдим этиладиган маълум чегаралар доирасида берилади. Агар савдо ҳамкорлари шундай давом этишни танласа, бизнес ижобий пул оқимларини келтириб чиқаради, бу эса тадбиркорларга камроқ даражада кредит олиш учун мурожаат қилиш имконини беради.

Банк кафолати берилган банк мижози битим ва бошқа мажбуриятларга мувофиқ ҳолда учинчи томонга мажбуриятларни қоплашга лаёқатсиз бўлса, банкнинг учинчи томонга тўловлар тўғрисидаги юридик жиҳатдан чақириб олинмайдиган мажбуриятларини ўзида акс эттирган бевосита кредит ўрнини босувчилар, жумладан, умумий кафолатлар, захира аккредитивлари ва бошқа шунга ўхшаш битимларни (Абдуллаева, 2003) назарда тутати. Бундан ҳам кўриниб турибдики, банк кафолати принципалнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаганда унинг мажбуриятини банк бажариб беради.

Ушбу фикрларни умумлаштирган ҳолда банк кафолати хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, уларнинг мажбуриятларни бажаришини кафолатлаши, дастлабки босқичда мижознинг қўшимча маблағларга эҳтиёжини камайтиради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид маълумотлар ва назарияларни ўрганишда илмий мушоҳада, мантикий фикрлаш, тизимли ёндашув усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари банк кафолатларини 2022 йил 14 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йил 15 майдаги “Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисида”ги 2364-сонли низомга мувофиқ бериб келган. 2364-сонли низом бекор бўлгандан сўнг, тижорат банклари ўзлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида банк кафолатларини бериш бўйича алоҳида ички меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиши ёки кредит сиёсатида алоҳида бўлим бўлиши заруратини келтириб чиқарди.

Умуман олганда тижорат банклари кафолатни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги, «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари асосида бериши лозим.

Банк бошқаруви кафолат бериш хизматларини амалга оширишга доир ички меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқади ва ваколати доирасида тасдиқлайди.

Банк кафолатини бериш жараёни бир неча босқичда амалга оширилади:

1. Принципал банк кафолатини олиш учун банкка мурожаат қилади. Бунда банк томонидан таклиф қилинаётган кафолат тури бўйича зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этади.

2. Банк тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб, принципалнинг тўловга лаёқатлигини таҳлил қилади, хулоса беради.

3. Принципалнинг тўловга лаёқатлигига қараб кафолат бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан кафолат бланкаси берилади.

Кафолат бериш кредитлашга нисбатан юқорироқ таваккалчиликка эга бўлганлиги

учун, мижозларнинг аризаларини кўриб чиқишнинг дастлабки жараёнидан таваккалчиликни реал баҳоланишини таъминлаш мақсадида, мижозларнинг молиявий ҳолати ва тўлов лаёқатлилиги, фаолият соҳасидаги тажрибаси, малакали мутахассисларга ва етарли моддий техника базасига эгаллиги, ўз мажбуриятларини бажара олиш имкониятлари, тақдим этилаётган таъминот етарлилиги ва ликвидлилиги чуқур ўрганилиши талаб қилинади (Умаров & Азимов, 2021).

Банк кафолати қатъий ҳисобда турувчи бланкда расмийлаштирилади. Ушбу бланкалар «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси банк учун ягона шаклдаги махсус ҳимоя белгилари билан таъминланган қоғозда тайёрланиши лозим. “Микрокредитбанк” АТБнинг кафолат бериш тартибини кўриб чиқсак.

1-жадвал

“Микрокредитбанк” АТБ нинг кафолатлари тўғрисидаги маълумот

Банк кафолати	
Принципал:	Кичик бизнес субъекти ҳисобланган юридик шахслар
Мақсади	<ul style="list-style-type: none"> • тендер савдоларида иштирок этиш; • бунақ тўловларини қайтариш; • шартнома мажбуриятлари бажарилиши; • божхона тўловларини амалга оширишни кечиктириш ёки узайтириш; • келаётган импорт товарларни божхона орқали расмийлаштирилиши; • ва бошқа ҳолатлар бўйича.
Кафолат валютаси:	Миллий ва хорижий валютада (АҚШ долл., Евро)
Кафолат фоизи:	<ul style="list-style-type: none"> • Қопланган – 100 млн.сўмгача – 2 % / 100 млн.сўмдан ортиқ – 1 % • Қопланмаган – 100 млн.сўмгача – 4 % / 100 млн.сўмдан ортиқ – 2 %
Кафолат миқдори:	Буюртмачи талаб этган миқдордан келиб чиқиб
Таъминот тури:	<ul style="list-style-type: none"> • Мол-мулк таъминоти; • Кафолат ва кафилликлар; • Суғурта полиси ва бошқалар

Манба: “Микрокредитбанк” АТБ расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди www.mkbank.uz

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, банк кафолатни асосан кичик бизнес субъектларига миллий ва хорижий валютада тақдим этади. Тақдим этилаётган банк кафолати қопланган ва қопланмаган шаклда тақдим этилиши мумкин, айнан мана шу банк кафолатининг қийматини белгилаб берган. “Микрокредитбанк” АТБ томонидан тақдим этилаётган кафолатлар бирор бир таъминот тури билан таъминланган бўлиши лозим.

Фикримизча, банк кафолатини унинг хусусиятларига қараб молиявий воситаларнинг куйидаги турларига бўлиш мумкин:


1. Банк кафолати – мажбуриятларни таъминлаш воситаси.
2. Банк кафолати – кредит маҳсулот.
3. Банк кафолати – кредит маҳсулот ва тўлов воситаси.

Бу банк кафолати берилганда унинг қайси мақсадларда берилганлигига, унда кредит муносабатлар юзага келишига қараб таснифланишини юзага келтиради.

Банк кафолати бўйича ҳисоб-китобларни ўтказиш жараёнини куйидаги расм орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

1. Томонлар товар сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи ва олувчи ёки хизматдан фойдаланувчи шартнома тузади ҳамда тўловни банк кафолати орқали таъминлаш зарурлиги тўғрисида келишиб оладилар. Бунда бенефициар – сотувчи, принципал яъни ариза берувчи эса шартнома бўйича харидор ҳисобланади. Шунингдек тузилган шартнома банк кафолати берилмаса ҳақиқий эмаслиги шартномада келтирилиши мумкин.

2. Принципал кафолат бериш учун банкка мурожаат қилади. Шуни таъкидлаш керакки, кафолатни томонлар ўртасида шартнома тузишдан олдин бериш мумкин эмас, чунки у шартнома параметрлари асосида ҳисоб-китоб қилинади ва таъминланиши керак бўлган мажбуриятни аниқ кўрсатиши керак. Тендер кафолати бундан мустасно, чунки томонлар ўртасидаги шартнома ҳали кўзда тутилмаган бўлади.



1-расм. Банк кафолати ёрдамида ҳисоб-китоблар

Манба: муаллиф томонидан тузилди.

3. Принципал ва бенефициар билан кафолат матни келишилганидан сўнг банк бенефициар фойдасига банк кафолатини беради. Бенефициар билан кафолат бўйича музокаралар жараёни айниқса муҳимдир, чунки агар томонлар бирор-бир масала бўйича келиша олмасалар, бенефициар ўз фойдасига берилган кафолатни қабул қилмаслиги мумкин.

4. Сотувчи товарларни жўнатади ёки хизматни кўрсатади. Банк кафолатида тўловни ўтказиш механизмини тушуниш учун харидор ўз вақтида сотувчи фойдасига тўловни амалга оширмаганлиги учун банк кафолати бўйича тўлов ўтказиш зарурати юзага келиши ҳолатини кўриб чиқамиз.

5. Бенефициар кафил банкка кафолат бўйича тўлаш талаби ва принципал ўз мажбуриятини бажармаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан мурожаат қилади.

6. Кафил банкда шартномада белгиланган муддатда ёки қонунчилик меъёрларига мос муддатда бенефициар фойдасига тўловни амалга ошириш зарур бўлади. Расмий равишда, бу муддат принципалдан тўлов миқдорини талаб қилиш учун берилади. Амалда, бу вақт ичида кафил банк принципалга бенефициар у билан боғланганлиги ҳақида хабар беради. Бир нечта мумкин бўлган натижалар мавжуд – аризачи бенефициар билан мулоқот қилади, улар мавжуд зиддиятни ҳал қилади ва бенефициар ўз талабини қайтариб олади.

7. Принципал ўз мажбуриятини бажармаса кафил банк тўловни ўз ҳисобидан амалга оширади.

8. Принципал тўлов қобилияти бўлганда тўловни кафил банкка ўтказиб беради.

Кўриб чиқилган ҳолат сотувчи ва харидорга битта банк хизмат кўрсатганда юзага келади. Агар уларни турли ҳил банклар хизмат кўрсатса, ўзаро ҳисоб-китоблар кафил банк ва бенефициар банки ўртасида ҳам амалган оширилади.

Принципал ва бенефициар турли давлатларда фаолият олиб борадиган бўлса, экспортёр ва импортёр банклари ҳам кафолат бериши зарур. Ушбу жараёни принципал банки бошлаб беради ҳамда контр кафил банк сифатида иштирокни бошлайди. Принципал банки бенефициар банкка бенефициарга кафолат бериш тўғрисида мурожаат қилади. Ушбу кафолат тури контр-кафолат ҳисобланади.


Контр-кафолат асосан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланилади. Контр-кафолат халқаро савдонинг ривожланишига ва халқаро савдони молиялаштириш кўламига самарали таъсир қилади ва шу билан бирга:

- кредиторнинг халқаро тижорат шартномаси бўйича кафолатни мақбул кафилдан олишини ташкил этиш;
- кафиллик бўйича низолар юзага келганда кредитор учун юқори юридик харажатлар рискинни минималлаштириш;
- кафиллик бўйича кредиторнинг валюта рискларини камайтириш;
- кредиторнинг чет эл юрисдикцияси билан ўзаро муносабатлари билан боғлиқ рискларни камайтириш.

Контр-кафолатда қуйидаги томонлар иштирок этади:

- 1) принципал: контр-кафолат беришни талаб этган томон;
- 2) контр-кафил банк: бенефициар банкдан унинг кафолатига кафолат беришни сўраган банк;
- 3) эмитент банк: агар принципал ўз шартнома мажбуриятларини бажармаса, келишилган тўлов миқдори тўланишини кафолатлайдиган банк;
- 4) бенефициар: унинг фойдасига берилган кафолат.

Контр-кафолат бўйича ҳисоб-китобларни қуйидаги расмда кўриш мумкин.



2-расм. Банк контр-кафолати ёрдамида ҳисоб-китоблар

Манба: муаллиф томонидан тузилди.

1- ва 2-босқичда 1-расмдаги сингари тартиб бўлади.

3. Принципал банки бенефициар банкка контр-кафолат мантини эмитент банкка юборади.

4. Эмитент банк бенефициарга банк кафолатини беради.

5. Бенефициар шартномада келишилган товарни етказди ёки хизматни кўрсатади.

6. Принципал белгиланган вақтда тўловни амалга оширмаса, кафолат бўйича тўловни олиш учун тегишли ҳужжатларни ўзининг банкка тақдим этади.

7. Эмитент банк контр-кафил банкка контр-кафолат бўйича тўловни амалга ошириш бўйича мурожаат қилади.

8. Контр-кафил банк принципалга тўловни амалга ошириш бўйича мурожаат қилади.

9. Принципал тўловни амалга оширмаса, банк ўз ҳисобидан тўловни ўтказиб беради.

10. Эмитент банк кафолат бўйича тўловни бенефициарга ўтказиб беради.

Банк контр-кафолати халқаро муносабатларни ривожлантиришда жуда муҳим ҳисобланади. Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибида тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг принципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувида белгилаб қўйилади (Кодекс, 1995). Албатта бу оддий банк ка-

фолатида ҳам контр-кафолатда ҳам банк тўлаб берган суммани принципалдан ундириб олади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Банк кафолати принципалга бенефициарга тўлашни кечиктиришга имкон берганлиги сабабли, унинг самарадорлиги тўғридан-тўғри бенефициар томонидан тўлашга қодир бўлган сумма, маблағнинг қиймати, кредит рискка боғлиқ. Агар кафолат учун бенефициар томонидан тўлаши мумкин бўлган ҳақ паст бўлса, банк бундай тўлов учун таваккал қилишга журъат етмаса, банк кафолати кенг тарқалмайди. Шунинг учун банк кафолати учун ҳақ белгилашда кўплаб омилларни ҳисобга олиш зарур.

Кафолат беришдан келиб чиқадиган муносабатларнинг барча иштирокчилари учун унинг иқтисодий жозибдорлиги етарли даражада аниқ эмаслиги унинг кенг қўлланилишига тўсиқ бўлмоқда.

Кафил банклар ўз мижозларига банк кафолатларидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан асосли вариантларини, яъни муносабатларнинг барча томонлари: кафил, принципал, бенефициар учун фойдали бўлган нархда таклиф қилиш орқали бу тенденцияни барта-раф этишлари мумкин.

Банк контр-кафолати принципалга янги бозорларга чиқиш, халқаро муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. 1995 йил 21 декабрь.
 2. Ilie Dragoş, Credits and Bank Guarantee Letters in Entrepreneurship Development During Crisis. *Amfiteatru Economic*, 2015. 17(38), pp. 212-227
 3. Knežević, M. & Lukiy, A. (2016). The importance of bank guarantees in modern business (business environment in Serbia). *Investment Management and Financial Innovations*. 13. 215-221. 10.21511/imfi.13(3-1).2016.07.
 4. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. –Т.: ТМИ, 2003. 312 бет.
 5. Палин Д.А. Банковская гарантия как эффективный инструмент развития кредитных отношений. дисс. автореферата к.э.н. – Краснодар – 2012 г. – 28 с.
 6. Соболева Н.В. Банковская гарантия как способ обеспечения исполнения обязательств и практика ее применения в банковской деятельности. дисс. автореферата к.ю.н. – Томск, 2005 г. – 29 с.
 7. Умаров З.А., Азимов Б. Банк кафолати ва унинг ҳисоби. // Молия. 2021 йил 1-сон, 98-106-б.
www.mkbank.uz "Микрокредитбанк" АТБ расмий сайти